



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2015 йил 15 май, № 97 (6280)

Жума

Сайтимишга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ШАҲАРСОЗЛИК ТАЖРИБАСИНИНГ АМАЛИЙ ИФОДАСИ

Пойтахтимизда фойдаланишга топширилган янги кўприк ҳудуд аҳолиси ҳамда меҳмонларга гоят манзур бўлмоқда.



ИСТИҚЛОЛ ИНШООТЛАРИ



Хосан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан жонажон Ўзбекистонимиз кундан-кунга чирой очиб бормоқда. Айниқса, азим пойтахтимизда қад ростлаётган мухташам бинолар барча-барчанинг кўзини қувонтираяпти.

Маълумки, Хадра майдонида 2013 йили улкан қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилиб, аҳоли ва транспорт воситаларининг ҳаракатланиши учун қулай имконият яратиш мақсадида Фурқат кўчасини Зарқайнар ва Себзор кўчалари билан боғлайдиган ер ости автомобиль йўли реконструкция қилинган эди. Бунинг узвий давоми сифатида Себзор кўчаси бўйлаб Абдулла Қодирий кўчаси устидан ўтайдиган янги кўприк қурилди. Аввал хабар берилганидек, 12 май куни ушбу кўприк фойдаланишга топширилди. Мустақиллигимизнинг йигирма тўрт йиллиги олдида пойтахт аҳли ва меҳмонларига улкан тўхфа бўлган мазкур иншоот ҳар жихатдан қулайлиги билан юртдошларимизга маъқул келиб, катта таассурот қолдирмоқ-

да. Буни улардан айримларининг дил сўзларидан ҳам билиш мумкин.

Шоҳида ДАДАМУХАММЕДОВА, тиббиёт фанлари номзоди, "Шухрат" медалли соҳибаси:

— Ер юзиде мамлакат кўп, шаҳарлар бисёр, аммо жонажон диёримиз — Ўзбекистонимиз битта. Осмон мусоффо, халқи фаровон, ёшлари илгга чанқок, нурунийлари эъзода, тинч-осойишта шундай юртимиз борлигидан ҳар қанча фахрланасан арзийди. Ҳадемай, истиқлолимизнинг 24 йиллигини нишонлаймиз. Ватанимиз ва халқимиз ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган ушбу сана олдида мана бу кўприк қурилиб, фойдаланишга топширилганидан жуда-жуда қувондик.

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

Тошкентда 15 май куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг иккинчи ялпи мажлиси очилади.

Куни кеча Олий Мажлис Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб, унда ишчи гуруҳ раҳбарининг бўлуши ялпи мажлиси ўтказишга тайёргарлик тўғрисидаги ахбороти тингланди.

Сенат қўмиталарининг раислари сўз олиб, қўмиталарнинг ўтказилган мажлислари ҳақида ҳамда иккинчи ялпи мажлисга кўриб чиқиш учун киритилган қонунларга доир хулосаларнинг, бошқа масалаларга оид қарор лойиҳаларининг тайёргарлиги тўғрисида маълумот бердилар, ялпи мажлис ишини ташкил этиш юзасидан ўзаро фикр алмашдилар. Кенгаш мажлисида таъкидланганидек, Сенатнинг бўлажак ялпи мажлисида 17 та масала, шу жумладан, 7 та қонун кўриб чиқиши назарда тутилмоқда.

Сенатнинг бу галги ялпи мажлисининг ўзига хос жиҳатларидан бири шундаки, у мамлакат Президентини томонидан Олий Мажлис Сенатининг биринчи мажлисида ҳамда парламент палаталарининг қўшма мажлисида билдирилган фикрлар асосида ташкил этилиб, Сенатнинг 2015 йил ва келгуси йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастури ижросини таъминлашга доир кенг кўламли вазифалар амалга ошириш бошланганлигини аниқлатади.

Сенат ялпи мажлиси муҳокамасига киритилаётган, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча соҳаларини изчил ислоҳ қилиш ва эркинлаштиришга, мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг ваколатига қараб берилган бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Муҳокама этилган барча масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати.

ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИНИНГ ИККИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ОЛДИДА

Олий Мажлис Сенатида парламент юқори палатасининг бугун очиладиган иккинчи ялпи мажлисига қизғин ҳозирлик қўрилади. Сенаторлар ялпи мажлис кун тартибига киритилиши кутилаётган масалаларни атрофлича кўриб чиқиб, жамоатчилик иштирокида муҳокамадан ўтказди.

Йўловчилар манфаатларини таъминлашнинг муҳим шарти

Бинобарин, қонунларни давлат бошқаруви, фуқаролик жамияти институтларининг турли бўғинларида кенг ва амалий муҳокама қилишни таъминлаш бугуннинг долзарб вазифаларидан биридир.

Олий Мажлис Сенатининг иккинчи ялпи мажлисида қўрилиши кутилаётган «Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги Қонун ҳам ушбу талаблар асосида тайёрланган. Парламент юқори палатаси Мажлис ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси ҳузурида

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистонда олиб борилаётган ислохотлар самаралари халқаро миқёсда эътироф этилмоқда

Финляндия пойтахтида мамлакатимизга бағишланган семинар-тақдимот бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикасининг Латвиядаги элчихонаси томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда Финляндиянинг расмий, ижтимоий-сиёсий ва ишбилармон доиралари вакиллари қатнашди.

БИЗ ВА ЖАҲОН



Юртимизда рўй бераётган ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар ҳамда Ўзбекистон ва Финляндия ўртасидаги савдо-иқтисодий, сармоявий ҳамкорликнинг ҳозирги ҳолати ҳамда истиқболлари билан боғлиқ масалалар мулоқотларнинг асосий мавзуси бўлди. Мамлакатимизда иқтисодиёт ва унинг етакчи тармоқлари ривожланишининг барқарор юқори суръатларига эришилгани, шунингдек, хорижий сармоядорларга қулай шaroитлар яратилгани алоҳида таъкидланди. Шу билан бирга, республикаимизда кекса авлод

вакиллариининг турмуш даражаси ва сифатини янада ошириш, уларнинг моддий-маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватланиши қамровини кенгайтириш, ижтимоий, пенсия ҳамда тиббий хизматлар кўрсатилишини таъминлашга қатнашган эътибор қаратилаётгани ҳам таъбир иштирокчиларига ҳавола этилди. Бу ўринда 2015 йил Ўзбекистонда «Кексаларни эъзолаш йили» деб эълон қилинган ва шу муносабат билан ишлаб чиқилган Давлат дастури муваффақиятли равишда ҳаётга татбиқ этилаётганига ургу берилди. Тадбирда Ўзбекистон

ялпи ички маҳсулотининг йиллик ўсиши сўнгги йиллар давомида 8 фоиздан зиёдни ташкил қилаётгани айтиб ўтилди. Қайд этилганидек, банк тизимидаги ислохотлар иқтисодиётимизнинг барқарор ўсиш суръатларини таъминлашда энг муҳим омил бўлди. Бунинг натижасида тижорат банкларининг жами капиталли 25 фоиз ошди. Сўнгги йиллар давомида «Moody's», «Standard & Poor's» ва «Fitch Ratings» каби етакчи рейтинг агентликлари Ўзбекистон банк тизими фаолиятини «Барқарор» деб баҳоламоқда.

Шунингдек, мамлакатимизда олиб борилаётган сармоявий сиёсатнинг ўзига хос жиҳати юқори технологияга асосланган ишлаб чиқаришга, маҳаллий хом ашё ресурсларининг чуқур қайта ишланишини таъминлайдиган қўшма лойиҳаларга устувор даражада аҳамият қаратилаётгани билан изохлашни алоҳида таъкидланди. Инвесторларга кенг солиқ им-

тиёзлари ва преференциялар берилган «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси, «Ангрен» ҳамда «Жиззах» махсус индустриал зоналарининг ташкил этилгани юқори технологияга асосланган корхоналарни ривожлантириш имконини кенгайтирди. Ушбу зоналар учун зарур ташки муҳандислик ва транспорт инфратузими тўлиқ республика маблағлари ҳисобидан барпо этилаётди.

Семинар-тақдимот чоғида Ўзбекистонда муқобил энергия манбаларини ривожлантириш билан боғлиқ лойиҳалар финляндиялик ишбилармонларда катта қизиқиш уйғотди. Жумладан, Finwind, Finkenber, Nocar, Suntrika сингари компаниялар томонидан «Ўзбекистонда 293 та қишлоқ врачлик пунктини фотозлектр станциялари билан жиҳозлаш» лойиҳасининг амалга оширилишида иштирок этиш юзасидан қизиқиш билдирилди.

«Жаҳон» АА.

Ҳамкорлик алоқалари кенгаймоқда

Мамлакатимиз иқтисодиётида юз бераётган сифат ўзгаришлари унинг етакчи тармоқларидан бири бўлган нефть-газ саноатида қўлга киритилаётган ютуқлар мисолида ҳам яққол намоён бўлмоқда. Табиий газ ва газ конденсатини чуқур қайта ишлаш асосида қўшимча қийматга эга маҳсулотлар тайёрлаш ҳажмини ошириш, уларнинг турини кўпайтиришга эришилаётгани ана шундан далолат беради.

ФОРУМ

Натижада жаҳон нефть-газ саноатидаги бугунги мураккаб жараёнларга қарама-қарши, бирламчи ёқилғи энергетика ресурсларига бўлган ички эҳтиёж тўлиқ таъминланиши билан бирга, экспорт ҳажми ҳам мутасил равишда оширилмоқда.

Халқаро экспертларнинг эътирофи эътиҳа, бу Президентимиз ташаббуси билан саноат салоҳиятини юк-

салтириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик янгилашга доир тармоқ дастурларининг изчил амалга оширилаётгани, хорижий инвестицияларни жалб этган ҳолда, замонавий қувватлар ишга туширилаётгани туфайлидир. Бу эса, ўз навбатида, чет эл сармоядорларининг юртимиз иқтисодиётига бўлган қизиқишини тобора кучайтирмоқда. Тош-

(Давоми 2-бетда).

15 МАЙ — ХАЛҚАРО ОИЛА КУНИ

Ҳар бир инсон вояга етиб, жамиятда ўз ўрнига эга бўлгач, оила қуришни, соғлом ва баркамол фарзандларни тарбиялашни мақсад қилади. Зеро, бу — ҳаёт давомийлигининг энг муҳим шарти ҳамда манбаидир. Оила жамиятнинг дуру гавҳарига, мустаҳкам кўрғон ва муқаддас гўшага қиёсланишининг боиси ҳам шунда.

Жамиятимизнинг мустаҳкам пойдевори

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда оила қадр-қиммати янада юксалиб, ҳаётимизнинг чинакам таянчи ва сунъига айланди. Унинг мавқеини юксалтириш, мустаҳкамлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Оила институтини бошқа муҳим ижтимоий тузилмалар билан уйғун тарзда ривожлантириш ҳамда унинг манфаатларини қонуний муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратилди.

ФАХР

Яқинда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти кўмагида АҚШнинг Колумбия университети социологлари томонидан «Дунёнинг энг бахтли мамлакатлари» деган мавзуда тадқиқот ўтказилди. Ана шу тадқиқотга кўра, Ўзбекистонимиз мазкур рейтингда 158 мамлакат орасида 44-ўринни, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари ўртасида эса биринчи ўринни эгаллади.

Шу аснода, энг аввало, Конституциямизга унга бағишланган алоҳида боб киритилди. 1998 йилда эса Оила кодекси қабул қилинди. Унда оиладаги маънавий ва моддий мажбуриятлар, эр-хотин ўртасидаги мулкий муносабатлар ҳуқуқий асосини топди.

Юртимизда ҳар бир йилга тараққиётимизнинг муҳим йўналишларини ифода этадиган ном бериш эзгу анъанасига айланган. Долзарб вазифаларни ҳал қилиш учун тегишли давлат дастурлари ишлаб чиқилиб, улар ижроси изчил таъминланаёпти. Масалан, шу пайтгача эълон қилинган йил номларига эътибор қаратсак, ҳар бирининг таг-заминида оилалар фаровонлигини ошириш, юртдошларимизнинг бахтли ҳаёт кеचирилишини таъминлашга қаратилган эзгу мақсадлар муҳим эканлигига амин бўламиз.

Барчамизга маълумки, оила мустаҳкамлиги, энг аввало, турмуш қурадиган ёшларнинг ақл-заковати, маънавий фазилатлари, жамият олдидаги ўз бурчи ва масъулиятини чуқур англаб етиши каби омиллар билан чамбарчас боғлиқ. Бинобарин, мамлакатимизда ёш оилаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани бу борадаги ютуқларимиз кўламини кенгайтиришга хизмат қилаёпти.

(Давоми 2-бетда).

Йўловчилар манфаатларини таъминлашнинг муҳим шарт

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Шуни айтиш керакки, "Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш тўғрисида"ги Қонун республикаимиз ҳудудида транспорт воситаларининг барча турида ташушни амалга оширишда йўловчиларнинг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкига етказилган зарарнинг қопланганини кафолатлашга қаратилгани билан ниҳоятда муҳимдир.

Иқтисодиёт тармоқларида рўй бераётган сўнгги ўзгаришлар, транспорт-коммуникация тизими ва ижтимоий сугурта хизматларининг тобора ривожланиб бораётгани ҳам соҳанинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришни тақозо этапти. "Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш тўғрисида"ги Қонун бугунги куннинг ушбу талабларидан келиб чиқиб, Президентимизнинг 2010 йил 26 ноябрдаги қарори билан тасдиқланган 2011 — 2015 йилларда республика микромолиялаш соҳасини ва нобанк молия секторини янада ривожлантириш бўйича чора-тадбирларга мувофиқ ишлаб чиқилган.

Қонуннинг мақсади ташувчининг йўловчилар ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкига зарар етказганлик учун фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Фуқаролик кодексига мувофиқ, ташувчи йўловчининг ҳаёти ёки соғлиғига зарар етказилгани ҳамда юк ёки багаж йўқолгани, миқдори камайгани ва уларга шикаст етгани (бузилганлиги)

учун жавобгар ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, Қонун билан ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш орқали республикаимиз ҳудудида транспорт воситаларининг барча турида ташушни амалга оширишда йўловчиларнинг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкига етказилган зарар ўрни қоплангани кафолатланмоқда.

Мутахассисларнинг фикрича, бугунги кунда дунёнинг ривожланган мамлакатларида йўловчи ташуш жараёнида йўловчиларнинг манфаатларини тўлақонли муҳофаза этиш мақсадида ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини сугурталаш механизми кенг қўлланилади. Автомобиль, дарё, темир йўл, ҳаво йўллари орқали бирор манзилга олинган йўловчининг ҳаёти, соғлиғи ҳамда мол-мулкига зарар етса, уни ташувчи компания ижтимоий сугурта орқали қоплаб бериши йўлга қўйилган. Бу тизим, бир томондан, йўловчи учун қулайлик яратса, иккинчи томондан, сугурта бозори ва транспорт инфратузилмасини ривожлантириш, мазкур йўналишларда кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш, ташувчи компания ҳамда ташкилотларнинг мулкӣ манфаатларини муҳофазалашга хизмат қилади.

Қонунга мувофиқ, темир йўл, ҳаво, автомобиль, дарё ва бошқа турдаги транспортда тижорат асосида йўловчилар ҳамда уларнинг мулкларини ташуш хизматини кўрсатадиган ва бунинг учун махсус рухсатнома (лицензия) олган юридик ёки жисмоний шахс ташувчи сифатида белгиланмоқда. Ташувчи, ўз навбатида, йўловчиларнинг

ҳаёти, соғлиғи ҳамда мол-мулкига зарар етказганлик учун ўз фуқаролик жавобгарлигини ташуш бўйича хизматлар кўрсатиш бошланғичида қадар тегишли шартлар асосида ва тартибда сугурталаниши шарт.

Қонунда сугурталовчига ҳам муайян талаблар қўйилмоқда. Чунончи, у махсус лицензияга эга бўлиши, ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш бўйича сугурта шерикчилигида мажбурий иштирок этиши ҳамда ҳар бир ҳудудда мажбурий сугурта шартномаси тузишга ваколатли филиалларига эга бўлиши керак.

Қонунда соҳадаги асосий тушунчаларга таъриф берилган, ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш шартномаси, бу сугурта ҳодисаси ҳисобланмайдиган фуқаролик жавобгарлигининг юзасига келиши, сугурта полиси, пули, тарифлари, муқофоти, сугурта товони аниқ фойдалаб берилган, уни олиш ва тўлаш тартиблари белгиланган.

Хулоса ўрнида айтиш керакки, мазкур меъёрларнинг ҳаётга таъбиқ этилиши умумда давлат миқёсида йўловчиларга етказилган зарарнинг қопланганини кафолатлаш, ташувчиларнинг мулкӣ манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим ўрин тутди. Шунингдек, сугурта бозори ҳамда транспорт инфратузилмасининг ривожланишига, кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошишига имкон яратди.

Испломиддин АБРОРОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати
аъзоси.



Экологик таълимни такомиллаштириш йўлида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари ҳамда Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмиталари томонидан ўтказилган илмий-амалий конференцияда экологик таълим ва тарбияни ривожлантириш масалалари муҳофаза қилинди. Унда қатор вазирилари ҳамда идоралар вакиллари, мутахассислар, экспертлар, журналистлар иштирок этди.

Тадбирда экологик таълим жараёнида фойдаланиладиган услубий ва ўқув қўлланмаларини янада такомиллаштириш, мазкур ишларни интеграциялашган ҳамда тизимли тарзда олиб бориш каби мавзуларда маърузалар тингланди.

Кайд этилганда, "Таълим тўғрисида"ги Қонун ҳамда Қадрлар тайёрлаш миллий дастури, табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ре-

сурслардан фойдаланиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида экологик таълим ишлари изчил олиб борилмоқда. Бинобарин, "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонунда ҳам барча турдаги таълим муассасаларида экологик таълим мажбурийлиги белгилаб қўйилганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Атроф-муҳитга масъуллик билан муносабатда бўлиш туйғусини шакллантириш экологик таълимнинг ўзига хос хусусиятларидан биридир. Унинг замирида табиатдан фойдаланиш тамойилларига риоя этилиши, ҳудуд табиатини ўрганиш, асраб-авайлаш, табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш, уларни муҳофаза қилиш ва ишлаб чиқаришни мақбуллаштириш гоёларини тарғиб қилиш ишига фаол киришиш мезонлари муҳимдир.

— Экологик таълим-тарбия замонавий кадрларни тайёрлашда катта

ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ

Маълумки, узлуксиз экологик таълим мактабгача таълим-тарбия муассасаларида табиат ва ташқи олам билан танишувдан бошланади. Ўз навбатида, мамлакатимиздаги мактаб, лицей ва коллежларда мазкур мавзуга оид дарслар олинб бораётган бўлса, олий ўқув юрталарида экология кафедралари ташкил этилган. Барча ўқув муассасалари ва эколог-олимлар ўртасида ўзаро ҳамкорлик йўлга қўйилгани тегишли адабиёт ва қўлланмаларни тайёрлаш, экологик таълим сифатини юқори даражага чиқариш, қисқача айтганда, ёш авлоднинг атроф-муҳит муҳофазасига доир билим ҳамда кўникмаларини оширишда муҳим ўрин тутмоқда.

Конференция қатнашчилари томонидан аҳолининг экологик саводхонлигини юксалтиришда давлат органлари ҳамда таълим муассасалари, шунингдек, кенг жамоатчилик саъй-ҳаракатларини бирлаштириш таъкид этилди. Экология жабаҳисидagi мутахассислар малакасини оширишнинг самарали тизимини яратиш, экологик таълим ва тарбия жараёнида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш муҳимлиги алоҳида таъкидланди.

Айни чоғда сўнгги йилларда юртимиз олимлари томонидан экологик таълим-тарбия бўйича тадқиқотлар олиб бориш сезиларли даражада ўсгани айтиб ўтилди. Ушбу илмий изланишлар экология йўналишида ижтимоий-маънавий ишларни ташкил этиш каби соҳанинг турли жиҳатларини қамраб олапти.

Конференция якунида юртимизда узлуксиз экологик таълим ва тарбия тизимини ривожлантириш, соҳага оид норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш юзасидан тақлифлар билдирилиб, тегишли тавсиялар қабул қилинди.

С. МАХСУМОВ.

Ҳамкорлик алоқалари кенгаймоқда



(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Нефть-кимё, нефть-газ соҳаси корхоналари учун юқори технологияли асбоб-қўрунлар, улар учун эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш ва сервис хизматлари кўрсатишга ихтисослаштирилган мазкур йирик ҳўжалик йирик субъект 1998 йилда ташкил этилган. Айни пайтда республикаимизнинг турли ҳудудларида унга қарашли бешта завод фаолият кўрсатапти. Уларда тайёрланаётган импорт ўрнини босувчи ва экспортга йўналтирилган маҳсулотларга нафақат ички бозорда, балки ташқи бозорда ҳам талаб тобора ортиб борапти. Ҳозирги кунда компания маҳсулотларининг 10 фоизи хориқлик буюртмачиларга етказиб берилаётган бунга мисол бўла олади.

Таъкидлаш керакки, корхонанинг технологик ва ишлаб чиқариш имкониятлари ниҳоятда

юқори бўлиб, буюртмачиларга шартнома асосида компрессорлардан тортиб, қуюв, темирчилик маҳсулотларига ҳам етказиб берилади. Ишлаб чиқариш жараёни билан яқиндан танишган меҳмонлар бунга ишонч ҳосил қилишди.

Корхонанинг қуюв цехини унинг бамисоли уриб турган юрагига қийслаш мумкин. Сабаби, бу ерда юқори ҳароратда металл эритилиб, ундан мураккаб асбоб-қўрунлар ҳосил қилинади. Цехнинг салкам 200 кишилик жамоасининг қўли-қўлига теғмайди. Кимдир қумдан қоплаб тайёрласа, бошқаси металл эритиш печини назорат қилади. Шу тариқа бир кеча-кундузда ўртача 10 тонна металл тайёрланади.

— Бугун пўлат асосида қуюв маҳсулотлари ишлаб чиқарилапти, — дея изох беради цех бошлиғи Жума Ражабов. — Биласиз, пўлат жуда муштаҳкам металл ҳисобланади: 1490 даража иссиқликда эрий бош-

лайди. Биз эса уни 1650-1680 даража ҳароратда эритиб, сўнгра махсус қолипларга қуюмиз. Махсулотларимиз сифати юқорилигининг боиси шунда.

Шундан сўнг меҳмонлар корхонанинг компрессор ишлаб чиқариш, механик-ийгув, темирчилик-тайёрлов цехлари ҳамда сервис маркази фаолияти билан танишдилар.

— Корхона фаолияти билан танишув асосида юртингиз нафақат нефть-газ маҳсулотлари ишлаб чиқариш, балки мазкур соҳа учун ускуна ва жиҳозлар етказиб бериш борасида ҳам юксак салоҳиятга эга эканлигига амин бўлдим, — дейди Хитойнинг "Jereh" компанияси минтақавий савдо директори Чен Бо. — Бу ерда тўлган бой тажрибани ўрганиш, ўзаро тажриба алмашиш жуда фойдалидир. Бизнинг компаниямиз шу каби ускуналар етказиб бериш билан шуғулланишни ҳисобга олсак, бугунги таъриф келгусида тенг манфаатли алоқаларни ўрнатиш, ҳамкорликда қўшма лойиҳаларни амалга ошириш учун муштаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Корхона ҳудудида ташкил этилган кичик кўргазма эса унинг тарқибидagi "Ўзбекистон қўшма заводи", "Андижон таъриба-синав заводи", "Қўқон механика заводи", "Бухоро механика таъмирлаш" акциядорлик жамиятлари ҳамда "Урганч-маш" масъулияти чекланган жамиятининг фаолияти, уларда ишлаб чиқарилаётган турфа маҳсулотлар билан батафсил танишиш учун қулай шароит яратди.

Сидр РАҲМОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.
Шоҳмурот ШАРАПОВ олган сурат.

Жамиятимизнинг мустаҳкам пойдевори

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Эйтиборлиси, ана шу йўналишдаги чора-тадбирлар жорий йилда ҳам изчил давом эттириляпти. Чунончи, ҳозирги кунда юртимизнинг барча туман ва шаҳарларида барпо қилиниб, фойдаланишга топширилган "Қамолот уйлари" ёш оилаларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликнинг яна бир ёрқин ифодасидир. Аҳамиятлиси, бу иморатлар бошланғич бадалсиз, йигирма йилга мўлжалланган имтиёзли кредит асосида бериляпти. Ушбу хонадонларга ўқиш ва ишда, спортда катта муваффақиятларга эришган ёш оилалар эга бўлишляпти.

— Муҳаббат, вафо ва садоқат асосига қурилган оила мустаҳкам бўлади, — дейди "Оила" илмий-амалий маркази раҳбари ва-зифасини бажарувчи Ҳафиза Мамадалиева. — Бундай муҳитда камол толган фарзандлар ҳам давлат ва жамиятнинг маънавий, иқтисодий ривожига ўз ҳиссасини қўша олади. Бугун республикаимиздаги 7 миллиондан ортиқ оилаларнинг тотувлигини мустаҳкамлаш йўлида марказимиз томонидан муайян ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, одамлар, аввало, ёшларда оилавий аъёналарга эҳтиром ва садоқат ҳиссини кучайтириш, уларни ёт гоёлар ҳамда таҳдидлардан ҳимоя қилишнинг самарали усуллари илмий асосда ўрганиш, аҳоли даромадини ошириш учун оилавий тадбиркорлик, касаначиликдан унумли фойдаланишга йўналтирилган лойиҳалар амалиётга таъбиқ этиляпти. Қолаверса, оилавий психологик хизматни ҳожар қилиш, ота-оналарнинг, ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш каби вазифалар ҳам эътиборимиз марказида.

Фарзанд — оила кўнчили. Унинг ҳар жиҳатдан соғлом ва етук бўлиб улғайиши нафақат ота-она, балки бутун жамият ва давлатга дахлдор вазифадир. Шу боис мамлакатимизда истиқлолнинг илк кунлариданоқ навқирон авлод қамолотига қаратилган изчил ислохотлар амалга ошириляпти.

— Муштаҳкам шарафати билан юртимизда "Соғлом она — соғлом бола" Миллий дастурининг амалиётга жорий этилиши ўзининг юксак самараларини бермоқда, — дейди Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникаси бош шифокори, "Эл-юрт хўрмати" ордени соҳибаси Гулришно Усмонова. — Хусусан,

Президентимизнинг соғлиқни сақлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга қаратилган Фармон ҳамда қарорлари асосида юртимизнинг деярли барча вилоятларида она ва бола перинатал ҳамда скрининг марказлари изчил фаолият юритмоқда. Қишлоқ жойларда яшовчи ҳомилалар аёллар давлат бюджети маблағлари ҳисобидан соғлом наслини шакллантириш учун зарур поливитаминлар билан таъминланаяпти. Ўзбекистонда икки ёшгача бўлган ҳамма болалар бепул эмланаётир. Бу орқали, аввало, эл-юрт саломатлигини асраб-авайлаш, оилаларнинг маънавий қамолотини, шу билан бирга, аҳоли фаровонлигини таъминлашга устувор аҳамият бериляпти.

Эътиборлиси, бу йилда ҳам изчил давом эттириляпти. Чунончи, ҳозирги кунда юртимизнинг барча туман ва шаҳарларида барпо қилиниб, фойдаланишга топширилган "Қамолот уйлари" ёш оилаларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликнинг яна бир ёрқин ифодасидир. Аҳамиятлиси, бу иморатлар бошланғич бадалсиз, йигирма йилга мўлжалланган имтиёзли кредит асосида бериляпти. Ушбу хонадонларга ўқиш ва ишда, спортда катта муваффақиятларга эришган ёш оилалар эга бўлишляпти.

— Муҳаббат, вафо ва садоқат асосига қурилган оила мустаҳкам бўлади, — дейди "Оила" илмий-амалий маркази раҳбари ва-зифасини бажарувчи Ҳафиза Мамадалиева. — Бундай муҳитда камол толган фарзандлар ҳам давлат ва жамиятнинг маънавий, иқтисодий ривожига ўз ҳиссасини қўша олади. Бугун республикаимиздаги 7 миллиондан ортиқ оилаларнинг тотувлигини мустаҳкамлаш йўлида марказимиз томонидан муайян ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, одамлар, аввало, ёшларда оилавий аъёналарга эҳтиром ва садоқат ҳиссини кучайтириш, уларни ёт гоёлар ҳамда таҳдидлардан ҳимоя қилишнинг самарали усуллари илмий асосда ўрганиш, аҳоли даромадини ошириш учун оилавий тадбиркорлик, касаначиликдан унумли фойдаланишга йўналтирилган лойиҳалар амалиётга таъбиқ этиляпти. Қолаверса, оилавий психологик хизматни ҳожар қилиш, ота-оналарнинг, ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш каби вазифалар ҳам эътиборимиз марказида.

Фарзанд — оила кўнчили. Унинг ҳар жиҳатдан соғлом ва етук бўлиб улғайиши нафақат ота-она, балки бутун жамият ва давлатга дахлдор вазифадир. Шу боис мамлакатимизда истиқлолнинг илк кунлариданоқ навқирон авлод қамолотига қаратилган изчил ислохотлар амалга ошириляпти.

— Муштаҳкам шарафати билан юртимизда "Соғлом она — соғлом бола" Миллий дастурининг амалиётга жорий этилиши ўзининг юксак самараларини бермоқда, — дейди Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникаси бош шифокори, "Эл-юрт хўрмати" ордени соҳибаси Гулришно Усмонова. — Хусусан,

Президентимиз ҳар бир чиқишларида хотин-қизларга ҳурмат ва эҳтиром билдириб, уларнинг оилани тебратиш, турмушимизни янада тўқис қилишдаги хизматларини алоҳида эътибор этадилар, — дейди пойтахтимиздаги 144-умумтаълим мактаби бошланғич синф ўқитувчиси, "Шўҳрат" медали соҳибаси Машрабхон Умарова. — Аёлларимизнинг яшаш шaroитларини янада яхшилашга эътибор қаратадилар. Чунончи, давлатимиз раҳбари Конституциямиз қабул қилинганнинг 22 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида ҳам хотин-қизлар учун маънавий хизмат кўрсатиш шохобчаларини кўпайтириш борасидаги ишлар ҳақида қуноччилик билан сўз юритдилар.

Дарҳақиқат, тўқис бахт тушунчаси, асосан, оила бутунлиги, ўзаро тотувлик, фарзандлар қамолоти билан белгиланади. Бинобарин, Юртбошимиз таъкидлаганидек, бу ёрғун дунёда ҳаёт бор экан, оила бор. Оила бор экан, фарзанд деб аталмиш бебаҳо неъмат бор. Фарзанд бор экан, одамзод ҳаммиша эзгу орзу ва интилишлар билан яшайди.

Омонулла ФАЙЗИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ёшларимизнинг халқаро олимпиададаги муваффақияти

Ёшлар — бугунги ва эртанги кунимизнинг ишончи ва таянчи. Шу боис навқирон авлодга ғамхўрлик кўрсатиш, уларни рағбатлантириш, қўллаб-қувватлаш давлатимиз сийсатининг устувор вазифаларидан бирига айланган.

ХУШХАБАР

Зеро, эртаимиз эгаларининг ният ва истақлари, интилиш ҳамда шижоати тобора юксалиб бормоқда. Ҳеч кимдан кам бўлмаган шaroитларда таҳсил олаётган йигит-қизларимиз яна бир диққатга сазовор нажиҳани кўлга киритдилар. Гап шундаки, яқинда Арманстанон пойтахти

Ереван шаҳрида кимё фани бўйича бўлиб ўтган 49-Халқаро Менделеев олимпиадасида ёшларимиз муваффақиятли иштирок этди, 15 дан зиёд мамлакат вакиллари орасида умумжамоа ҳисобида кучли учликдан жой олди. Тошкент тиббиёт академияси қошидаги академик лицейнинг 2-босқич ўқувчиси Фар-

рух Лутфуллаев қумуш, 3-босқич ўқувчиси Шохрух Шоанваров ҳамда Тошкент педиатрия тиббиёт институти қошидаги 1-академик лицей ўқувчилари Дилнора Юсупалиева ва Сарвар Шуюновсоз бронза медални қўлга киритди. — Давлатимиз раҳбари томонидан биз, ёшлар учун яратилган улкан им-

кониятлар шарафати билан ана шундай ютуқларга эришяпмиз, — дейди қумуш медал соҳиб Фаррух Лутфуллаев. — Ҳалқаро беллашувда Ўзбекистон номидан турт нафар ўқувчи иштирок этди ва барчамиз юқори ўринларни эгалладик. Савол ва топшириқларга пухта жавоб беришимизда олган билимларимиз кўл келди. Шу азиз Ватанга муносиб фарзанд бўлиш барчамизнинг зўлу ниятимиздир.

О. ЛУТФУЛЛАЕВ.

ШАҲАРСОЗЛИК ТАЖРИБАСИНИНГ АМАЛИЙ ИФОДАСИ

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Ишга шу кўндан қатнайман. Илгарии бу ерда тирбандлик кузатиларди. Кўприк фойдаланишга топширилганлиги тўғрисида ана шу муаммо баргараф этилди. Очиги, бу ишоот томоша қиладиган, завқландаган даражада кўркам бўлибди. Президентимизга раҳмат. Давлатимиз раҳбарининг оқилона сийсати боис биз мана шундай фаровонликка эришяпмиз. Шу боис ҳам аҳоли учун муносиб турмуш шaroитлари яратиш, яшил ҳудудларни кенгайтириш борасидаги ишлар нажиҳасида пойтахтимиз тобора обод ва кўркам бўлиб бораётир. Буюк Британиянинг нуфузли "Экономист" журнаlining баҳосига кўра, Тошкент шаҳри

дунёдаги яшаш учун энг қулай бўлган 140 шаҳар орасида 58-ўринни эгаллагани ҳам бежиз эмас. Бу Ўзбекистонда амалга ошириляётган ишохотлар самарасининг халқаро эътирофидир.

Бахтиёр КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
халқ ўқитувчиси:

— Кўприкнинг икки томонида пиёдалар учун иккита ер усти ўтиш йўлига барпо этилгани, уларга қиқиб-тушиш учун зинапоя билан бирга, эскалатор ва лифт ҳам қурилганлигидан ҳайратланамиз. Қолаверса, бу ерда ёгин-сонлини кунларда химоялаш мосламалари ҳам ўрнатилган. Бундай замонавий, одамлар учун барча қулай-

лик эътиборга олинган кўприк-иншоотлар дунёнинг базми мегаполисларидагина мавжуд. Мазкур ишоот мамлакатимизда инсон манфаатларини таъминлашга қаратилган эътиборнинг амалий ифодаси бўлди. Кўприк турганингиздек, бугун ўқувчилар билан кўприкни томоша қилгани келдик. Унинг ёнида одамлар ҳордиқ чиқариши, болажонлар яйраб ўйнаши учун шaroитлар яратилибди. Кўз теғмасин, буларнинг ҳаммаси тинчлик тўғрисида. Бинобарин, давлатимиз раҳбари 9 май — Хотира ва Қадрлар кўнига бағишлаб ўтказилган маросимда мамлакатимиз тараққиёти, халқимизнинг бугунги ва эртанги ҳаёти, жаҳондаги мавжуд вазият ҳақида ўта муҳим ва долзарб фикрларни билдирдиларки, бу мулоҳазалар

ҳар биримизни ён-атрофда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга янада сергаллик билан қарашга, қолаверса, ана шундай дориларом ва осуда кунларимизни қадрлашга ундайди.

Мансур АЛИЕВ,
меҳнат фаҳрийси:

— Давлатимиз раҳбарининг чиқишларини телевизор орқали қолдирмай кузатиб бораман. Хотира майдонида айтган сўзлари ҳам қалбимга муҳрланиб қолди. Президентимиз Иккинчи жаҳон урушида 1,5 миллион юртдошимиз қатнаганини, шундан тахминан 500 минг ватандошимиз ҳалок бўлганини айтиб, бу фожиа Ўзбекистондаги биронта хонадонни четлаб ўтмаганини таъ-

кидладилар. Мана шу мисолнинг ўзиёқ урушнинг оқибати нақадар аянчи эканлигини кўрсатади. Бу сўзлардан тегишли хулосалар чиқаришимиз шарт. Ён-атрофимизда кузатилаётган ҳолатлар, турли мамлакатларда рўй бераётган хунрезликлар ҳақида ҳар кунимиз эшитамиз. Шўқрки, юртимизда тинчлик-оқойишталик. Шунинг учун ҳам мана бундай кўприклар қуриляпти, ўзгаришлар рўй берапти.

Чиндан ҳам, юртимизда инсон ва унинг манфаатларига қаратилган ишохотлар ҳар биримизнинг ҳаётимизда яққол бўлиб кўрсатиб турибди. Юрт тинч экан, барча орзу-ниятларимиз урғилиши, фарзандларимиз қамолтини кўришимиз мумкин. Шу маънода, ҳеч нарса билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайдиган "Тинчлик" деб аталмиш бебаҳо неъматни асраб бурчимиздир.

«Халқ сўзи» мухбири
Мақсуд ЖОНИХОНОВ ёзиб олди.

Бахту саодат кўрғони

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазириликда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан 15 май — Халқаро оила кўнига бағишлаб "Оилам — бахту саодатим манбаи" мавзусида видеомулоқот ўтказилди. Унда тегишли вазирик ва идоралар масъуллари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳридан энг намунали оилалар вакиллари иштирок этди.

ВИДЕОМУЛОҚОТ

Тадбирда мамлакатимизда оилалар фаровонлигини таъминлаш, уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатишга зарур ташкилий-ҳуқуқий шарт-шaroит яратилгани таъкидланди. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қатор фармон ва қарорлар, давлат дастурлари оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, айниқса, кам таъминланган, кўмакка муҳтож оилаларни манзилли ижтимоий ҳимоялаш, ҳар жиҳатдан соғлом авлодни воқеа етказишда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

ЖАХОН **24** **СОАТ ИЧИДА**

Жорий йилнинг биринчи чорагида Буюк Британияда ишсизлик даражаси 5,5 фоиз пасайди.

Бандликда ижобий ҳолат

Мамлакат миллий статистика бошқармаси томонидан маълум қилинишича, бу 2008 йилдан бери қайд этилган энг ижобий кўрсаткичдир. Мазкур даврда меҳнатга ҳақ тўлашда ҳам мусбат натижа кўзга ташланиб, ҳафталик маош йиллик ҳисобда ўртача 1,9 фоиз ошган. Шунингдек, февраль ва март ойларида инфляция даражаси ноль қийматда қайд этилган. Бу аҳолининг харид қобилияти ҳам орта бошлаганидан далолат беради.

Уриниш натижа бермади

Филиппин пойтахти Манила шаҳридаги пойабзал фабрикасида ёнгин содир бўлди.



Воқеа оқибатида 72 киши ҳаётдан кўз юмган. Қурбонлар сони яна ортиши мумкин. Чунки кўплаб ишчиларнинг тақдири номаълум бўлиб турибди. Қидирув-қутқарув тадбирлари давом эттириляпти.

Манбага қараганда, ёнгин корхонада пайвандлаш ишлари олиб борилаётганида чиққан. Ўт ўчирувчиларнинг етти соатлик уриниши беса-мар кетди. Фабрика биноси бутунлай вайронга айланди.

Мавқеи ошади

АҚШнинг "Verizon" телекоммуникация оператори "AOL" интернет компаниясини 4,4 миллиард долларга харид қилиш юзасидан келишувга эришди.

Бу ҳақда "Евроныюз" телеканали хабар тарқатди. Шартномага мувофиқ, харид амалга ошиши билан "AOL" "Verizon"нинг таркибига киради. Бунгача эса томонлар тегишли ташкилотларнинг розилигини олиши зарур.

Изоҳлашишича, икки компаниянинг бирлашиши телекоммуникация операторига реклама ва видеоконтент (турли видеолар тарқатувчи сервислар) бозоридаги мавқеини мустаҳкамлаш имконини яратяди.

Анъанавий кинофестиваль

Францияда навбатдаги Канн кинофестивали бошланди.



номзод сифатида қўйилган.

Экспертларнинг фикрига қараганда, "Эртақларнинг эртаги", "Дарахлар денгизи", "Макбета" каби киноасарлар асосий совринга даввогар ҳисобланади. Уларда Сальма Хаек, Венсан Кассел, Мэтью Макконахи, Наоми Уотс каби таниқли санъаткорлар бош ролларни ижро этган.

Олтмиш саккизинчи бор ташкил этилган мазкур ижодий анжуманнинг асосий дастуридан 19 та фильм ўрин олган. Худди шунча асар "Алоҳида назар" мукофоти учун

Тизимдаги муаммо

Япониянинг "Toyota" ва "Nissan" автоконтсернлари 6,5 миллиондан кўпроқ машинасини қайтариб олади.

Гап шундаки, мазкур автоуловларда ўрнатилган "Takata" компаниясининг хавфсизлик ёстиқчаларида нуқсонлар аниқланган. Ишлаб чиқарувчиларнинг маълум қилишича, машиналардаги ушбу жиҳозлар текшириб кўриш учун қайтарилаяпти. Улар билан боғлиқ кўнгилсиз ҳолатлар қайд этилмаган.

2008 йилдан бери "Takata" ёстиқчалари келтирган муаммолар туфайли ишлаб чиқарувчилар қарийб 25 миллион дона машинани қайтариб олишга мажбур бўлган.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

АНЖУМАН

Банк тизимини ислоҳ қилиш борасида амалга оширилаётган изчил чора-тадбирлар мамлакатимиз иқтисодий кудратини юксалтириш, тижорат банклари фаолиятини халқаро стандартлар даражасига олиб чиқишда муҳим омил бўлмоқда. Дунёнинг аксарият давлатлари тараққитини издан чиқарган глобал молиявий-иқтисодий инқирознинг салбий таъсири ҳамон сезилаётган бир пайтда юртимиз банк тизимида эришилаётган муваффақиятлар соҳа ривожига мустаҳкам пойдеворга эга эканидан далолат беради.

Фаровон турмуш асоси

Бу, ўз навбатида, қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, пировардида аҳоли бандлиги, турмуш фаровонлигини муттасил оширишга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, "Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази ҳамда бошқа ҳамкор ташкилотлар томонидан ўтказилган анжуман аҳолини иш билан таъминлаш ҳамда янги иш ўринлари яратишда банк тизимининг тутган ўрни ва аҳамиятига бағишланди.

Маълумки, ҳар бир давлат иқтисодиёти равнақида банкларнинг ҳиссаси бекиёс бўлиб, молия-банк тизимининг барқарорлиги йirik инвесторларни кенг жалб этиш имконини беради. Бу

соҳада юртимизда эришилаётган натижалар нуфузли халқаро молия институтлари томонидан ҳам эътироф этилмоқда. Президентимизнинг 2010 йил 26 ноябрдаги "2011 — 2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида"ги қарори ҳамда 2014 йил 7 апрелдаги "Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада тақомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони доирасида банклар фаолиятини янада яхшилаш ишлари тизимли равишда олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси

Марказий банкдан маълум қилишларича, сўнгги ўн йилда биргина кичик бизнесга ажратилган кредитлар ҳажми 21 баробар, микрокредитлар ҳажми эса 42 баробар ўсди. Жорий йилнинг биринчи чорагида тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига берилган кредитлар 2,8 триллион сўмни ташкил этди. Қолаверса, кредитлаш тартиб-таомилларининг соддалаштирилгани, истиқбол-

— Мазкур сўров натижаси аҳоли кенг қатламининг банкларга бўлган ишончи тобора мустаҳкамланаётганини яна бир қарра тасдиқлади, — дейди "Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази директори ўрнисбасари Ў. Қаюмов. — Бу мамлакатимиз банк тизимида "Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун" тамойили устуворлигини кўрсатади.

Анжуманда, шунингдек, аҳолининг салмоқли қисмини ташкил этувчи ёшлар учун иш ўринлари яратиш, касб-хунар коллежлари битирувчиларига ўз бизнесини йўлга қўйишда ҳар томонлама кўмаклашиш, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, хотин-қизларнинг кичик бизнесга бўлган қизиқиш ва иштирокини кўллаб-қувватлаш каби долзарб йўналишлар бўйича Марказий банк, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда бошқа тегишли давлат ва нодавлат ташкилотлар ҳамкорлигида амалга оширилаётган ишлар ҳақида батафсил маълумот берилди. Худудларнинг сановат салоҳиятини юксалтириш, жисмоний шахсларга микрокредитлар ажратиш юзасидан журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

Фарида МАҲКАМОВА, «Халқ сўзи» мухбири.

«ЮРТ КЕЛАЖАГИ»

Самарқанд шаҳрида "Юрт келажаги" иқтидорли ёшлар республика кўрик-танловининг вилоят босқичи ўтказилди. Унда туман ва шаҳар босқичларида сараланган 500 нафардан ортик ташаббускор ҳамда фаол йигит-қиз иштирок этди.

Истеъдодли ёшлар танлови

"Камолот" ЁИҲ, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари ҳамкорлигида анъанавий равишда ўтказиб келинаётган мазкур танлов истеъдодли ёшларни аниқлаш ҳамда рағбатлантириш, уларни кўллаб-қувватлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Танловда 15 ёшдан 25 ёшгача бўлган қатнашчилар "Архитектура ва дизайн", "Ахборот технологиялари, рационализаторлик тақлифлар ва техник ишланмалар", "Тасвирий ва амалий санъат", "Адабиёт ва журналистика" йўналишларида билим ҳамда салоҳиятини намойиш этди.

— Ушбу танловнинг нуфузи йилдан-йилга ошиб бормоқда, — дейди "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Самарқанд шаҳар кенгаши раиси Жасур Раҳмонов. — Энг асосийси, йигит-қизлар бошқа кўплаб тенгдошлари ижодий изланишлари билан яқиндан танишиш ҳамда ўзaro тажриба алмашиш имкониятига эга бўлмоқдалар.

Яқиний натижаларга кўра, барча йўналишлар бўйича 33 нафар голиб номи аниқланди. Энди улар танловнинг республика босқичида қатнашади.

"Юрт келажаги" кўрик-танловининг Жиззах вилояти босқичи ҳам юқори савияда ташкил этилди.

Ҳақамлар ҳайъати иштирокчиларнинг илмий ва ижодий ишларини синчковлик билан ўрганиб чиқиб, "Адабиёт ва публицистика", "Архитектура ва дизайн", "Ахборот технологиялари, рационализаторлик тақлифлар ва техник ишланмалар", "Тасвирий ва амалий санъат", "Адабиёт ва журналистика" йўналишларида голибларни аниқлади. Улар яқиний босқичида вилоят шарафини ҳимоя қиладди.

Мамадиёр ЗИЁДИНОВ, Тожиқдин ҚАМАРОВ, «Халқ сўзи» мухбирлари.

ХАЛҚ BANKI

OMAD KULGANDA

Сизга омад кулиб боқшини хоҳлайсизми?!

Ўзбекистон Республикаси Давлат-тижорат Халқ банкининг «Омад кулганда» (2-чиқарилиши) тиражли, пул-буом ютуқли лотереясини харид қилинг. Лотерея билетининг баҳоси — 2000 сўм. Лотереяда жами 471600 та пул-буом, жумладан, «LACETTI-2», «NEXIA», «COVALT», «SPARK», «MATIZ», «DAMAS» русумли 24 та автомобиль ҳамда 15 000 000 сўмгача бўлган 471576 та пул ютуғи ўйналади. Лотерея билетлари Халқ банкининг барча филиали ва жамоатчи тарқатувчилар томонидан сотилмоқда.

Лотерея ўйнида иштирок этинг ва ютуқ соҳибига айланинг!

ЮТУҚЛАР ТИРАЖИ

2015 ЙИЛ 24-25 ОКТЯБРЬ КУНЛАРИ САМАРҚАНД ШАҲРИДА ЎТКАЗИЛАДИ.

Мурожаат учун телефонлар: (0-371) 233-78-97, 120-17-24, 120-17-25. Лотерея ўйинларида балоғатга етмаган шахсларнинг қатнашиши тақиқланади. Хизматлар лицензияланган.

«Effect real group» МЧЖда

2015 йил 17 апрель кунини тўғридан тўғри музокаралар ўтказиш орқали ташкил этилган савдо аюнлари ҳақида **ХАБАРНОМА**

Фарғона вилояти, Учкўприк тумани, «Учкўприк» ШФЙ, Учкўприк шаҳарчаси, Ҳамид Олимжон кўчасида жойлашган консерва заводининг бир қисми мулкий мажмуа сифатида 7 558 000 000 сўмга сотилди, 1 кв.м. ер майдонининг ўртача баҳоси — 244 604 сўмга тенг.

Телефон: (+99895) 404-54-84.

Хизматлар лицензияланган.

Билдириш

«Халқ сўзи» газетасининг 2015 йил 25 апрелдаги 82-сонидан чоп этилган эълондаги, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Наманган кўчаси, 2-уйнинг аукцион савдоси Юнусобод тумани СИБнинг 2015 йил 11 майдаги хатига асосан тўхтатилди.

Хизматлар лицензияланган. «Capital realtor group» МЧЖ маълумияти.

«NEW ESTATE ACTION» МЧЖ

Бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига тақлиф етади.

● Аукцион савдосига Тошкент вилояти Зангиота тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 2015 йил 4 мартдаги 1-937/15-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Гулистон» ҚФЙ, «Санот» МФЙ, Санот кўчасида жойлашган омихта ем, шрот ва шелуха сотиш бино-иншоотлари қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 375 000 000 сўм.

Аукцион савдоси 2015 йил 18 июнь кунини соат 12.00 да ўтказилади.

● Аукцион савдосига Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳар СИБ томонидан Тошкент вилояти ЖИБ судининг 2015 йил 16 февралдаги 2-20/854-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Усмон Носир кўчаси, 11-уйда жойлашган, умумий майдони 7018,970 кв.м., қурилиш майдони 1114,04 кв.м., ҳовлиси 5929,25 кв.м. бўлган «Нилуфар» маданий ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси (тўйхона) қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 769 968 000 сўм.

Аукцион савдоси 2015 йил 19 июнь кунини соат 12.00 да ўтказилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлардан аризалар соат 10.00 дан соат 16.00 гача қабул қилинади ва аукцион бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади.

Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулк билан талабгорлар тегишли туман (шаҳар) суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закат пулини «New estate action» МЧЖнинг АИТБ «Ипак йўли» банки Миробод филиалидаги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104995394001, МФО: 01101, СТИР: 302373151.

Хизматлар лицензияланган.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Маҳмуд Таробий кўчаси, 31-уй. Телефон: (0-371) 254-69-13.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси "Mahalla" телерадиокомпанияси ДУК жамоаси Маънавий тарбиявий дастурлар муҳарририяти режиссёри Карамалдин Атахановга падари бузруквори

Найзабай ота АТАХАНОВнинг вафоти муносабати билан чуқур тазия изҳор этади.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректорати ва касабта уюшма қўмитаси Эконометрика кафедраси доценти Гулнара Юлчиевага турмуш ўртоғи

Ҳамидулла ЮЛЧИЕВнинг вафоти муносабати билан чуқур тазия изҳор этади.

POS-ТИЗИМЛАРИ АВТОМАТЛАШТИРИШ

Micros Ўзбекистондаги расмий ҳамкор

Штрих-код сканерлари, Моноблоклар, Харидор учун дисплей, Чеклар принтери, Тарозилар

ЖИҲОЗ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА АВТОМАТЛАШТИРИШ:

- савдо жойлари (магазинлар/супермаркетлар);
- бутик, ноозик-овқат маҳсулотлари савдоси;
- ресторанлар, кафе, барлар;
- фитнес-клублар, бильярдхоналар, боулинг ва бошқалар.

Моноблоклар, кассалар, штрих-код сканерлари, чеклар принтерлари, савдо тарозилари. Дастурий таъминот: Atol, Microinvest, Айтида. Автоматлаштириш «калиту билан».

Маҳсулот сертификатланган. Хизматлар лицензияланган.

- Кичик Бешёғоч к., 86 (олдинги шаҳар ДИХХБ биноси қаршида), тел.: (+99871) 200-34-34, (қўш. 850, 858), факс: 281-43-65.

www.micros.uz; e-mail: scales@ucd.uz; micros@ucd.uz

САЛОМАТЛИК

“Соғлом авлод учун” халқаро хайрия жамғармаси ва “Ўзбекистон темир йўллари” ДАТК ҳамкорлигида “Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастури доирасида ташкил этилган “Саломатлик поезди” Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида бўлди.



Фотоса. АБДУРАСПОВ Ў.А. олган сурат.

Тиббий ва ижтимоий кўмак

Ушбу хайрия акцияси давомида чекка туманлар ҳамда бориш қийин бўлган ҳудудлар аҳолиси, хусусан, кам таъминланган оилалар вакиллари ва нуруний ота-хону онахонлар чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилди. Уларга зарур дори-дармон воситалари тарқатилди. Бунда пойтахтдан келган малакали шифокорлар ҳамда “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия фондининг ҳудудларидаги тиббий-ижтимоий ёрдам гуруҳлари алоҳида фаоллик кўрсатди.

ва дори-дармон воситалари тарқатилди.

— Учрашуларда аҳоли кенг қатлами вакилларига соғлом турмуш тарзи мазмун-моҳияти атрофлича тушунтирилиб, керакли тавсиялар берилди, — дейди фондининг Қашқадарё вилояти бўлими раҳбари вази фасини бажарувчи Гулнара Шарипова. — Шунингдек, нурунийлар, аёллар, болалар ҳамда ногиронларга дори-дармон ва тиббий анжомлар, санитария-гигиена воситалари, кийим-кечаклар ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди.

Тиббий-ижтимоий тадбирни ташкил этишда “Дори-дармон” акциядорлик компанияси, “Фармед” кўшма корхонаси, “Orto Best”, “Navruz РТК”, “Interglobe” масъулияти чекланган жамиятлари ва бошқа ташкилотлар яқиндан кўмаклашди.

Нормурод ТЕМИРОВ,
Аҳад МУҲАММАДИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбирлари.

БУЊЁДКОРЛИК

Вобкент туманидаги “Янгикент” қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида маданият ва аҳоли дам олиш марказининг янги биноси фойдаланишга топширилди.

Замонавий маданият маркази

Давлатимиз томонидан ажратилган 400 миллион сўм маблағ эвазига барпо қилинган ушбу шинам масканда қишлоқ аҳолиси, айнақса, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш учун барча қулайлик яратилган. Мусиқа, тасвирий санъат, турли касб-хунар тўғрисидаги машғулотларига кунига 200 нафар-

гача кишини қамраб олиш мумкин.

Маданият ва аҳоли дам олиш марказлари фаолиятини замон талаблари асосида ташкил этишга қаратилган дастурга мувофиқ, туманининг турли ҳудудларида яна тўртта ана шундай мажмуа барпо қилинади.

Истам ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва аҳоли ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги

2015 йил учун протез-ортопедия маҳсулотларини харид қилиш юзасидан ўтказилган очиқ тендер натижалари бўйича қуйидагиларни билдиради: жорий йилда харид қилиниши кўзда тутилган 52 турдаги (12 минг 243 дона) протез-ортопедия маҳсулотларининг 40 тури (11 минг 106 дона) бўйича «Ортопедия реабилитацияси» МЧЖ ҳамда 11 тури (1 027 дона) бўйича «Ортопедия маҳсулотлари» МЧЖ тендер голиби, деб топилди.

1 турдаги (110 дона) маҳсулот бўйича қатнашчилар томонидан таклифлар тақдим этилмаганлиги сабабли голиб аниқланмади.

Мазкур тендер танловини ўтказиш тўғрисидаги эълон «Халқ сўзи» газетасининг 2015 йил 7 апрелдаги № 68 (6251)-сонидан чоп этилган.

РЕКЛАМА ЎРНИДА

«Ўзбекистон металлургия комбинати» АЖ жамоаси

кончилик ва металлургия соҳасида меҳнат қилаётган барча ҳамкасбларини яқинлашиб келаётган касб байрами —

Ўзбекистон Республикаси кончилик ва металлургия саноати ходимлари куни билан самимий кутлайди!

Мамлакатимиз иқтисодиётининг қўллаб-яшнаши, эллимиздаги фаровонлик гарови бўлган юрт саноати ривожига қилган ҳисса қўшаётган кончи-металлургияларнинг заҳматли меҳнатлари қўрғовдор.

Шундай файзли кўнларда барчага сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, тинчлик-хотиржамлик тилаб, она-Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлидаги интилишларида қилган зафарлар тилаймиз!

Диққат, танлов!

«ЙИЛНИНГ ЭНГ ФАОЛ ЁШ МУТАХАССИСИ» ТАНЛОВИ

Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Маданият ва спорт вазирлиги, Фанлар академияси, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги билан ҳамкорликда ёшларнинг ҳар томонлама етук мутахассис бўлиб камол топишига бўлган интилишларини қўллаб-қувватлаш, иқтидорли ёш мутахассисларни рағбатлантириш, ёш авлод вақилларида Ватан туйғуси ва мамлакатда рўй бераётган воқеаларда дахлдорлик ҳиссини оширишга кўмаклашиш мақсадида “Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси” танловини ўтказди.

“Энг фаол ёш банк ходими”, “Энг фаол ёш маданият ходими”, “Энг фаол ёш тадбиркор”, “Энг фаол ёш фермер”, “Энг фаол ёш шифокор”, “Энг фаол ёш архитектор”, “Энг фаол ёш дасуричи”, “Энг фаол ёш олим”, “Энг фаол ёш темир йўлчи”, “Энг фаол ёш авиакондуктор”, “Энг фаол ёш геолог”, “Энг фаол ёш кимёгар”, “Энг фаол ёш машинасоз”, “Энг фаол ёш металлург”, “Энг фаол ёш энергетик” номинациялари бўйича ўтказилган танловда иштирок этиш учун касаба уюшмасига аъзо турли соҳаларда фаолият юритаётган 35 ёшгача бўлган фаол ёш мутахассислар таклиф қилинади.

Танловда қатнашиш учун танлов номинацияси кўрсатилган ҳолда, талабгор ўзи меҳнат қилаётган корхона касаба уюшмаси кўмитасига қуйидагиларни тақдим этади:

- иш фаолиятига оид ва эришган ютуқларини акс эттирувчи, тегишли ташкилот раҳбари томонидан имзоланган тавсифий тавсиянома;
- маълумотнома-объективка;
- паспорт нусخаси;
- 2 та (3,5x4,5) оқ фондаги рангли фотосурат (электрон нусхаси билан бирга);
- ўз меҳнат фаолиятида эришган ютуқларини тасдиқловчи ва акс эттирувчи ҳужжатлар;
- яшаш манзили, уй ва иш телефонлари;
- қўшимча равишда ижодий, бадиий ва илмий ишлари нусхалари, янги ишланма ва лойиҳалари, лойиҳани татиқ қилиш механизми ва унинг самарадорлиги ҳақида маълумотлар, оммавий ахборот воситаларида ўз соҳасига оид мавзуларда чоп этилган мақолалари, ижтимоий-сиёсий фаоллиги, маънавий етуклиги, жамоат ишларида фаол иштироки тўғрисидаги тавсиялар тақдим этилиши мумкин.

Асосий мукофот

“Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси” танлови голиблари орасидан сараланган мутахассис, яъни янги ишланма ва лойиҳаларига эга бўлган, лойиҳаси самарадорлиги натижасида республика иқтисодиётига ҳисса қўшладиган, ижтимоий-сиёсий фаол бир нафар ёш мутахассис касаба уюшмаларининг гранти билан тақдирланади. Танловда ҳар бир йўналиш бўйича 1, 2, 3-ўринни эгаллаган голиблар Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгашининг эсдалик совға ҳамда дипломлари билан тақдирланади.

Танлов тўрт босқичда:

- I босқич** — 20 — 30 май кўнлари корхона, ташкилот ва муассасаларда;
- II босқич** — 1 — 15 июнь кўнлари туман (шаҳар) миқёсида;
- III босқич** — 15 — 30 июнь кўнлари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри миқёсида;
- IV босқич** — июль ойида республика-тармоқларо миқёсида ўтказилади.

Танлов голибларига мукофотлар 2015 йил сентябрь ойида ташкил этиладиган “Ёш мутахассислар” III республика форумида тантанали равишда топширилади.

Танлов мезонлари билан Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг интернет тармоғидаги www.kasaba.uz портали орқали танишиш мумкин.

Танлов тўғрисида қўшимча маълумотлар Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси, Савдо-саноат палатаси ва “Камолот” ЕИҲнинг ҳудудий бўлинмалари ҳамда республика кенгашлари орқали берилади.

Қўшимча маълумот учун Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг (+99871) 256-76-57, 256-48-81 телефон рақамларига мурожаат қилишингиз мумкин.

«Олмалиқ кон-металлургия комбинати»

акциядорлик жамияти жамоаси

Ватандошларимизни Ўзбекистон Республикаси кончилик ва металлургия саноати ҳодимлари куни билан муборакбод этади!

Барганимизга юрт равнақи, саноатимиз ривожини, нурафшон келажак бунёд этишдек хайрли ишларинимизда муваффақиятлар, сиҳат-саломатлик, хотиржамлик, бахт-саодат тилаймиз! Нуруний кексаларимизнинг эзгу дуолари, фидойий юртдошларимизнинг меҳнатлари ила қўллаб-яшнаётган Ватанимиз мангу обод бўлсин!

Халқ сўзи

Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 567. 119 619 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўллаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.



Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — М. Жониҳонов.
Навбатчи — С. Махсумов.
Мусахҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.50 Топширилди — 23.10 1 2 3 4 5